

**ИСЛОМ КАРИМОВ номидаги ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА  
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ «ФАН ва ТАРАҚҚИЁТ» ДАВЛАТ  
УНИТАР ҚОРХОНАСИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.03/30.12.2019.К/Т.03.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ИСЛОМ КАРИМОВ номидаги ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА  
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ «ФАН ва ТАРАҚҚИЁТ» ДАВЛАТ  
УНИТАР ҚОРХОНАСИ**

**ЮЛЧИЕВА СУРАЙЁ БАХРАМОВНА**

**КИМЁ САНОАТИ УСКУНАЛАРИНИ ҲИМОЯЛАШ УЧУН  
АНТИКОРРОЗИОН КОМПОЗИЦИОН ҚОПЛАМАЛАРНИНГ  
САМАРАЛИ ТАРКИБЛАРИ ВА ОЛИШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ИШЛАБ  
ЧИҚИШ**

**02.00.07 – Композицион, лок-бўёқ ва резина материаллари кимёси ва технологияси  
05.02.01 – Машинасозликда материалшунослик. Қуймачилик. Металларга термик ва  
босим остида ишлов бериш. Қора, рангли ва ноёб металлар металлургияси (техника  
фанлари)**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент-2021**

**Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси****Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)****Content of the dissertation abstract of doctor of science (DSc)****Юлчиева Сурайё Бахрамовна**

Кимё саноати ускуналарини химоялаш учун антикоррозион композицион қопламаларнинг самарали таркиблари ва олиш технологиясини ишлаб чиқиш..... 3

**Юлчиева Сурайё Бахрамовна**

Разработка эффективных составов антикоррозионных композиционных материалов и технология получения покрытий для защиты оборудования химической промышленности ..... 27

**Yulchieva Surayo Bakhramovna**

Development of effective compositions of anticorrosive composite materials and technology for obtaining coatings for the protection of chemical industry equipment..... 51

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ ..... 55  
List of published works.....

**ИСЛОМ КАРИМОВ номидаги ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА  
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ «ФАН ва ТАРАҚҚИЁТ» ДАВЛАТ  
УНИТАР ҚОРХОНАСИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.03/30.12.2019.К/Т.03.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ИСЛОМ КАРИМОВ номидаги ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА  
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ «ФАН ва ТАРАҚҚИЁТ» ДАВЛАТ  
УНИТАР ҚОРХОНАСИ**

**ЮЛЧИЕВА СУРАЙЁ БАХРАМОВНА**

**КИМЁ САНОАТИ УСКУНАЛАРИНИ ҲИМОЯЛАШ УЧУН  
АНТИКОРРОЗИОН КОМПОЗИЦИОН ҚОПЛАМАЛАРНИНГ  
САМАРАЛИ ТАРКИБЛАРИ ВА ОЛИШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ИШЛАБ  
ЧИҚИШ**

**02.00.07 – Композицион, лок-бўёқ ва резина материаллари кимёси ва технологияси  
05.02.01 – Машинасозликда материалшунослик. Қўймачилик. Металларга термик ва  
босим остида ишлов бериш. Қора, рангли ва ноёб металлар металлургияси (техника  
фанлари)**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент-2021**

**Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2021.4.DSc./T467 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Ислон Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети «Фан ва тараққиёт» давлат унитар корхонасида бажарилган.

Диссертация автореферати учта тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)). Илмий кенгаш веб-саҳифасида [www.gurft.uz](http://www.gurft.uz) ва «ZiyoNET» ахборот таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий маслаҳатчилар:**

**Негматов Сайибжан Садикович**  
техника фанлари доктори, профессор,  
ЎЗР ФА академиги

**Негматова Комила Сайибжановна**  
техника фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Талипов Нигматилла Хамидович**  
техника фанлари доктори, катта илмий  
ходим

**Юсунов Фарход Маҳкамович**  
техника фанлари доктори, профессор

**Рустамов Раҳматилла Муродович**  
техника фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

**Андижон машинасозлик институти**

Диссертация ҳимояси Ислон Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети «Фан ва тараққиёт» давлат унитар корхонаси ҳузуридаги DSC.03/30.12.2019.К/Т.03.01 рақамли Илмий кенгашнинг **2021 йил «28» декабр соат 14<sup>00</sup>** даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент, Мирзо Ғолиб кўчаси, 7а уй. Тел.: (99871)246-39-28, факс: (99871)227-12-73, 246-02-24, E-mail:fan va taraqqiyot@mail.ru, «Фан ва тараққиёт» ДУК биноси, 2-қават, анжуманлар зали).


Диссертация билан «Фан ва тараққиёт» давлат унитар корхонасининг Ахборот ресурс марказида танишиш мумкин (№ 32 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100174, Тошкент, Мирзо Ғолиб кўчаси, 7а уй. Тел.: (99871)246-39-28, факс: (99871)227-12-73).

Диссертация автореферати 2021 йил «15» декабр куни тарқатилди.  
(2021 йил «03» декабрдаги 32-21 рақамли реестр баённомаси)



  
**Т.О. Камолов**  
Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш раиси, т.ф.д.

  
**М.Э. Икратова**  
Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш илмий котиби, к.ф.н., к.и.х.

  
**А.М. Эминов**  
Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш қошидаги илмий семинар  
раиси, т.ф.д., профессор.

## КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Бугунги кунда дунёда ускуналар, биналар ва иншоотларни агрессив кимёвий муҳитнинг зарарли таъсиридан ҳимоя қилиш замонавий кимё, металлургия, нефть кимёси, электрокимё соҳалари учун энг асосий муаммолардан биридир. Бу борада металл ускуналари ва механизмларнинг коррозияга учраш сабабларини аниқлаш, саноатнинг иккиламчи маҳсулотлари ва техноген чиқиндилари асосида белгиланган хусусиятларга эга бўлган янги композицион материаллар ва улар асосида қопламаларни яратиш, техноген чиқиндаларни қайта ишлаш учун энергия тежамкор ва экологик хавфсиз технологияларни ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш муҳим аҳамиятга эгадир.

Жаҳон миқёсида кимё саноати ускуналари ва қурилмаларининг коррозияга учрашига таъсир этувчи омилларини аниқлаш, уларга нисбатан самарали кураш чораларини ишлаб чиқиш, адгезион-мустаҳкамлик хусусиятлари яхши бўлган антикоррозион композицион материаллар ва улар асосидаги қопламаларни яратишнинг самарали усулларини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш бўйича илмий изланишлар олиб борилмоқда. Бу борада, жумладан, антикоррозион композицион материаллар асосидаги қопламалар ёрдамида коррозия жараёнини секинлаштириш усулларини ишлаб чиқиш, яратилаётган антикоррозион ингибирловчи материаллар ва улар асосидаги қопламаларнинг адгезион мустаҳкамлигини ошириш, металлларни ҳимоялаш даражасини, физик-механик ва эксплуатацион хусусиятлари яхшилаш усулларини ишлаб чиқиш натижасида кимё саноати, металлургия ва қурилиш соҳалари учун хомашё базаларини яратишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамизда давлат стратегик ва иқтисодий аҳамиятга эга бўлган агрессив муҳитлар таъсирида фаолият кўрсатаётган кимё саноатининг ривожланиши учун ишлатиладиган антикоррозион қопламалар таркибига кўшиладиган маҳаллий хом ашё ва саноат чиқиндилари асосида олинадиган органоминерал ингредиентларни танлаш, уларни олиш усулларини ва ишлаб чиқиш технологиясини яратиш бўйича чора тадбирлар олиб борилмоқда ва маълум бир натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар Стратегияси дастурининг тўртинчи йўналишида «... мутлақо янги турдаги маҳсулот ва технологиялар билан таъминлаш, шу асосда ташқи ва ички бозорда рақобатбардош маҳаллий маҳсулотлар ишлаб чиқаришни таъминлаш...»<sup>1</sup> бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган. Бу борада кимё саноатида қўллаш учун қимматбаҳо импорт қопламаларнинг ўрнига юқори физик-механик ва эксплуатацион хоссаларга эга бўлган арзон антикоррозион композицион материаллар ва улар асосида қопламалар олиш учун самарали таркиблар ва олиш технологияларини ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади.

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг "2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикаси ривожланишининг бешта устувор йўналишларидаги ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги № ПФ-4947-сонли Фармони

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги №ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, Фармони, 2018 йил 25 октябрдаги №ПҚ-3983-сон «Ўзбекистон Республикасида кимё саноатини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»даги, 2019 йил 24 августдаги №ПҚ-4426-сон «Давлат ва хўжалик бошқаруви ҳамда маҳаллий ижроия ҳокимияти органларининг ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш ва саноат тармоқларида кооперация алоқаларини жадаллаштиришнинг янги тизимини жорий этиш бўйича масъулиятини янада ошириш тўғрисида» ги, 2020-йил 15-мартдаги №ПҚ-6079-сон «Рақамли Ўзбекистон-2030» Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишини устивор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VII «Кимёвий технологиялар ва нанотехнологиялар» устивор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи<sup>2</sup>.** Кимё, металлургия, нефткимёси, электрокимё, қурилиш саноатлари учун маҳаллий хом ашё ва ишлаб чиқариш чиқиндиларидан фойдаланиб суёқ шиша асосида янги материалларни яратиш технологияларини ишлаб чиқишга қаратилган тадқиқотлар дунёнинг етакчи университетлари, илмий марказларида, жумладан Institute of Physics, University of Amsterdam (Нидерландия), University of Konstanz (Германия), New Materials Institute (Германия), Israel Research Center (Исроил), University Institute of Science (Туркия), Poznan University Of Technology (Польша), Самара давлат техника университети, Сибир қурилиш материаллари ва янги технологиялар ИТИ, Миллий тадқиқот Томск политехника университети, Томск давлат университети, Тюмен саноат университети, Н.С. Курнаков номидаги Умумий ва ноорганик кимё институти, Н.Н. Семенов номидаги Кимёвий физика институти (Россия), Руднен саноат институти (Қозоғистон), В.И.Никитин номи Кимё институти (Тожикистан), Ургенч давлат университети, Тошкент кимё-технология институти, Тошкент архитектура-қурилиш институти, ЎзР ФА Умумий ва ноорганик кимё институти, Тошкент кимё-технология илмий-тадқиқот институти, Тошкент давлат техника университети «Фан ва тараққиёт» ДУК (Ўзбекистон) олиб борилмоқда.

Жаҳонда силикат шиша асосидаги боғловчи материаллар ва улардан буюмлар олиш технологиясини ишлаб чиқиш ҳамда мавжуд технологияларни такомиллаштиришга оид олиб борилган тадқиқотлар бўйича бир қатор илмий натижаларга эришилган, жумладан: агрессив муҳит таъсирида ишлайдиган қурилма ва ускуналарни емирилишдан сақлашда қўлланиладиган суёқ шиша асосидаги композицияларнинг физик-кимёвий, технологик ва эксплуатацион

---

<sup>2</sup> Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи: <http://www.natlib.uz/ru>; <http://earthpapers.net>; <http://www.ngtp.ru>; <http://www.geokniga.org/books>; <http://geologinfo.ru>; <https://www.burnipi.ru> ва бошқа манбалар асосида ишлаб чиқилган.

хоссаларини яхшилашга йўналтирилган ҳолда боғловчиларни модификациялаш усуллари ишлаб чиқилган (Sapienza University of Roma (Италия), Самара давлат техника университети (Россия). Натрий силикатлари асосидаги композицияларнинг мустаҳкамлик параметрларини ва сувга чидамлилигини ошириш учун модификатор сифатида натрий кремнийфториди ( $\text{Na}_2\text{F}_4\text{O}_7 \cdot 10\text{H}_2\text{O}$ ), кальций хлор ( $\text{CaCl}_2$ ), натрий тероборат, сўндирилган оҳак ( $\text{Ca}(\text{OH})_2$ ), бўр ( $\text{CaCO}_3$ ), уч валентли алюминий оксидларидан ( $\text{Al}_2\text{O}_3$ ) фойдаланилган (Princeton University (АҚШ), Новосибирск давлат аграр университети (Россия)), ишлаб чиқариш чиқиндиларидан суяқ шиша олиш бўйича тадқиқотлар ўтказилган (Тюмен саноат университети (Россия)).

Дунёда ишлаб чиқариш чиқиндиларини комплекс қайта ишлаш орқали қўйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда, жумладан: ишлаб чиқилган суяқ шиша асосидаги қопламаларнинг юқори мустаҳкамлигини, кимёвий барқарорлигини ва агрессив муҳитларга чидамлилигини аниқлаш; полимер қўшимчалар билан модификациялаш орқали коррозияга қарши композицион материалларнинг микротузилиши, физик-кимёвий хоссалари, гидратланиш ва қотиш жараёнларининг кинетикасини ҳамда композицион силикат материалларининг самарали таркибини яратиш; суяқ шиша асосидаги порфирит ва порфирит-волластонитли композицияларни синтез қилиш жараёнида ишқорлаш жараёнларини, минералларнинг ҳосил бўлишини, фазавий таркибини аниқлаш; композициялар қотиш жараёни механизмини аниқлаш ва илмий асослаш, ускуна ва қурилмаларнинг юза қисмларига қоплаш учун зарарсиз бўлган шиша асосидаги модификацияланган композицияларни олиш, қурилиш саноати учун иссиқлик сақловчи материаллар ва коррозиябардош қопламалар олиш технологиясини ишлаб чиқиш.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Дунё амалиётида композицион суяқ шишали материаллар ишлаб чиқариш бўйича қўйидаги олимлар ўзларининг маълум бир ҳиссаларини қўшганлар: Maruyasi Nakakori, Sakamoto Vosihumi, Israel D., Teoreanu Y., Puri Annemarie, A. Содахина, Р.Мураяма М.И.Субботкин, М.А.Матвеев, В.И.Корнеев, В.Т.Батраков, С.В.Рагозина, В.И.Бабушкин, И.В.Белицкий, Н.С.Домбровская, Ю.С.Курицина, В.М.Москвин, И.А.Писаренко, Р.К.Кордонская, Ю.И.Нянушкин, С.С.Негматов, А.Т.Джалилов, М.Ж.Жуманиёзов, К.С.Негматова, Ф.Х.Таджиев, Т.А.Атакузиев, З.А.Мухамедбаева, Д.К.Адилов, М.Г. Бабаханова ва бошқалар.

Мавжуд ишлар таҳлили асосида шуни таъкидлаш лозимки, уларнинг ишчи органларида юқори физик-механик хоссаларга эга бўлган антикоррозион композицион полимер материаллар ва қопламаларни ишлаб чиқиш ва қўллаш орқали кимё саноати жиҳозларининг самарадорлиги ва ишлаш муддатини ошириш масалалари етарли даражада ҳал этилмаган. Бу кимё саноати ишлаб чиқариш ускуналарининг агрессив муҳитларида ишлайдиган композицион материаллар ва улардан тайёрланган қопламаларнинг физик-механик ва антикоррозион хусусиятларини ҳар

томонлама ўрганиш билан боғлиқ қийинчиликларнинг мавжудлигидир. Мазкур диссертация иши ана шу муаммоларни ҳал этишга бағишланган.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти И.Каримов номидаги ТошДТУ «Фан ва тараққиёт» Давлат унитар корхонасининг илмий-тадқиқот ишлари режаларига мувофиқ: №А-12-014 «Кимё саноатидаги ускуналарни емирилишдан сақловчи маҳаллий хом ашё ва ишлаб чиқариш чиқиндилари асосида суюқ шишали ноорганик композицион материалларнинг таркибини ишлаб чиқиш ва олиш технологиясини яратиш» (2012-2014 йй.), №ПЗ-20170929228 «Машинасозлик ва бошқа соҳаларда фойдаланиш учун коррозияга чидамли композицион металл муҳандислик материалларини олиш учун ресурсларни тежайдиган нитрооксидлаш технологияларини ишлаб чиқиш» (2017-2020 йй.) лойиҳалари доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** кимё саноати ускуналарини ҳимоялаш учун антикоррозион композицион қопламаларнинг самарали таркиблари ва олиш технологиясини ишлаб чиқиш олишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

полимер боғловчилар ва саноат чиқиндиларидан фойдаланган ҳолда коррозияга қарши композицион материаллар ва улардан тайёрланган маҳсулотларни замонавий ҳолати, баҳолаш усуллари, ишлаб чиқиш ва қўллаш имкониятларини таҳлил қилиш ва ўрганиш;

юқори мустаҳкамлик, кимёвий барқарорлик, агрессив муҳитларга чидамлилиқ хоссаларига эга бўлган самарали композицион силикат материалларини яратиш бўйича илмий асосланган ёндашувни ишлаб чиқиш;

суюқ шиша асосидаги порфирит ва порфирит-волластонитли композицияларни синтез қилиш жараёнида ишқорлаш жараёнларини, минералларнинг ҳосил бўлишини, фазавий таркибини, уларни қотиш жараёнида кимёвий барқарорлигини ўрганиш;

боғловчини полимер қўшимчалар билан модификациялаш орқали коррозияга қарши композицион материалларнинг микротузилиши, физик-кимёвий хоссалари ва гидратланиш ва қотиш жараёнлари кинетикасини тадқиқ этиш;

кимё саноати ускуналарининг ишчи юзасини қоплаш учун юқори самарали коррозияга қарши композицион материалнинг мақбул таркиблари ва олиш технологиясини ишлаб чиқиш;

ишлаб чиқилган ускуналарни агрессив муҳит таъсиридан сақлашда қўлланиладиган импорт ўрнини босувчи композицион коррозияга қарши материални лаборатория-ишлаб чиқариш ва тажриба-саноат синовларини ўтказиш ва ускуналарнинг ишчи юзасига қоплаш жараёнида қўллаш бўйича зарур меъёрий-техник хужжатларни ишлаб чиқиш ҳамда самарадорлиги юзасидан техник-иқтисодий ҳисобларни амалга ошириш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Бекобод конининг порфиритлари, натрий кремнефториди, натрийли суюқ шиша, Койташ кони волластонити ва полимер қўшимчалар олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** агрессив муҳитда суяқ шиша асосидаги композицияларнинг гидротацияси ва структура ҳосил бўлиш жараёнини, ингредиентларнинг фаза таркибини коррозияга қарши композицион материалларнинг ҳимояловчи ва мустаҳкамлик хусусиятларига таъсирини ўрганиш, улар асосида кимё саноати ускуналари учун коррозияга қарши қопламалар олиш, шунингдек уларнинг мустаҳкамлиги, ишлаш муддати ва самарадорлигини аниқлашдан иборат.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертация ишларини бажаришда ИҚ-спектроскопия, рентган структуравий анализ, термографик ва петрографик усулларидан ҳамда МДХ мамлакатларида рухсат берилган стандарт усуллардан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

суяқ шишали композицияларнинг гидратланиш ва структура шаклланиш жараёнининг қонуниятлари гидролиз спиртини ишлаб чиқариш агрессив муҳити учун ишлаб чиқилган;

композицияда гелга ўхшаш ҳолатга ўтувчи гидросиликат ишқорларининг ҳосил бўлиши ҳисобига суяқ шишанинг гидролизида натрий кремнийфториди билан реакцияга киришмаган ишқор тўлдирувчи доналарини емириши, натижада тўлдирувчининг кремний кислотаси гели билан мустаҳкам боғланиши таъминланганлиги аниқланган;

композиция структурасининг зичлашиши кремнезем модулининг ортиши ҳисобига амалга ошириши натижасида шундай шишалар янада полимерланган ва ўзининг кремний-кислородли каркасида зич структурага эга бўлиб, композитнинг монолит, юқори мустаҳкам, сув ва кислотага чидамли структурасининг шаклланиши ҳисобига порфирит ва волластонит заррачаларининг юқори даражада цементланиши учун шароит яратилганлиги аниқланган;

полимер қўшимчалар бирлаштирувчи агент вазифасини бажариб, тўлдирувчи заррачаларида адсорбцияланиши натижасида боғловчининг тўлдирувчи билан кимёвий боғланиши натижасида гидросиликатлар ҳосил бўлиши ва сульфит-целлюлоза ишлаб чиқаришидаги тўйинтирувчи тузли муҳитида полимер қўшимчалар билан модификация қилинган боғловчи асосидаги материалнинг коррозия механизми аниқланган;

материалнинг қотиши коагуляция ва поликонденсация жараёнлари билан кечишига асосланиб, Si-O-Si боғларнинг ташкил бўлишига олиб келувчи фазавий структура пайдо бўлиши ва силанол гуруҳларнинг (SiOH) конденсациясини таъминлаб бериб, унинг сингдирмаслик, мустаҳкамлик ва коррозия бардошлилик кўрсаткичининг юқори бўлишига олиб келиши аниқланган;

суяқ шиша композициялар юзасида компонентларнинг ўзаро таъсири натижасида пайдо бўлган гел маҳсулотлари ва эримайдиган бирикмалар турли коррозияли муҳитда кимёвий бардошлиликни ошириб берувчи майда кристалли, бир хил тузилишга эга структура ҳосил қилиши аниқланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

суяқ шишали боғловчи ва минерал тўлдирувчиларнинг тури ва миқдориға боғлиқ ҳолда антикоррозион композицион материалнинг самарали таркиби ва технологик параметрлари аниқланган;

суяқ шишали композициянинг мақбул таркиби аниқланган ва олиш технологияси ишлаб чиқилган ҳамда спирт-ачитқи, гидролиз ва сульфит-целлюлоза тўйинтирувчи тузлар таъсиридаги агрессив муҳитда ишлайдиган кимёвий ускуналарни қоплашда антикоррозион қоплама сифатида қўлланилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** замонавий компьютер ва дастурий воситаларидан фойдаланган ҳолда маҳаллий хомашё ва саноат чиқиндиларини комплекс қайта ишлаб, кимй саноати ускуналари учун композицион коррозияга қарши қопламалар тайёрлашда муаллиф томонидан замонавий физик-кимёвий таҳлил усулларини қўллаб, ўтказилган бир қанча лаборатория ва саноат тажрибаларидан олинган натижаларга асосланган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти суяқ шишали боғловчи ва тўлдирувчиларнинг табиати, тури ва миқдорининг материалнинг физик-механик ва эксплуатацион хоссаларига таъсири қонуниятларини аниқлаш орқали агрессив муҳит таъсирида ишлайдиган кимё саноати ускуналари учун маҳаллий хомашёлар ва ишлаб чиқариш чиқиндилари асосидаги антикоррозион қопламани яратиш ва олиш тамойилларини назарий ва амалда асослаш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ушбу яратилган самарали коррозиябардош қопламаларни ускуналарнинг ишчи юзасига қўллаб, уларнинг ишлаш қобилияти ва ишлаш муддатининг ортиши ҳамда агрессив муҳит таъсирига бардошлилигини оширишга хизмат қилади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Кимё саноати корхоналари ускуналарини ҳимоялаш учун коррозиябардош композицион материаллар ва улар асосидаги қопламаларнинг самарали таркиби ва олиш технологиясини ишлаб чиқиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

ишлаб чиқилган коррозиябардош композицион суяқ шишали материаллар ва улар асосидаги қопламалар «Наманганвино» МЧЖда гидролиз цехи сиғимларини ички юзасини қоплашда жорий этилган («Ўзбекистон Республикаси Алкогол ва тамаки бозорини тартибга солиш ҳамда виночиликни ривожлантириш агентлиги»нинг 2021 йил 15 июлдаги 02-19/2426-сон маълумотномаси). Натижада, гидролиз цехи сиғимларини ва қурилмаларининг агрессив муҳит таъсирига бардошлилигини, ишлаш қобилиятини ва самарадорлигини, иш унумдорлигини ошириш, уларнинг энерго- ва ресурс тежамкорлигини ошириш имконини берган;

антикоррозион композицион материаллар ва улар асосидаги қопламалар «Наманганвино» МЧЖ алкоғолли ичимликлар ишлаб чиқариш корхонасида ишлатиладиган ускуна ва қурилмаларини коррозиядан ҳимоя қилишда амалиётга жорий этилган («Ўзбекистон Республикаси Алкогол ва тамаки бозорини тартибга солиш ҳамда виночиликни ривожлантириш агентлиги»нинг 2021 йил 15 июлдаги 02-19/2426-сон маълумотномаси).

Натижада, агрессив муҳитда ишлайдиган ускуна ва қурилмаларнинг умрбоқийлигини 2,5 марта ошириш имконини берган;

юқори физик-механик ва эксплуатацион хоссаларга эга бўлган импорт ўрнини босувчи антикоррозион композицион қопламалар «Наманганвино» МЧЖ да гидролиз цехида агрессив муҳитдаги қурилмаларининг сирт юзасини қоплашда жорий қилинган («Ўзбекистон Республикаси Алкогол ва тамаки бозорини тартибга солиш ҳамда виночиликни ривожлантириш агентлиги»нинг 2021 йил 15 июлдаги 02-19/2426-сон маълумотномаси). Натижада, алкогольли ичимликлар ишлаб чиқариш корхонаси «Наманганвино» МЧЖ нинг иқтисодий самарадорлигини ошириш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 11 та анжуманларда, хусусан 6 та Республика ва 5 та халқаро илмий-амалий анжуманларда маъруза қилинган ва муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 25 та илмий иш нашр этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертациясининг асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 14 та илмий мақола, жумладан, 9 таси Республика ва 5 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертация тузилиши ва ҳажми.** Диссертация тузилиши кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 184 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида олиб борилган тадқиқотнинг долзарблиги ва унга бўлган талаб, тадқиқот мақсади ва вазифалари асосланган, тадқиқот объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг Ўзбекистон республикаси фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга қўлланиш бўйича тавсиялар, нашр қилинган ишлар ва диссертация тузилиши келтирилган.

Диссертациянинг «**Коррозияга қарши композицион материаллар ва уларни кимё саноати ускуналарини ҳимоя қилишда қўллаш муаммосининг ҳозирги ҳолати**» деб номланган биринчи бобида суюқ шиша асосидаги кислотабардош материаллар ҳолати ва қўлланиши бўйича муаммолари юзасидан замонавий адабиётлардаги турли муаллифлар томонидан ишлаб чиқилган маълумотлар ҳамда юқори физик-механик ва эксплуатацион хоссаларга эга коррозияга қарши композицион материалнинг самарали таркибини яратишга бўлган талаблар ва уларнинг тахлили келтирилган. Суюқ шиша ва улар асосидаги турли материалларнинг тури, таркиби ва олиш усули ҳамда органик ва ноорганик ингредиентларнинг тури, таркиби, структураси, нисбати ва микдорига боғлиқ равишда коррозиябардош қопламалар олиш келтирилган. Суюқ шиша асосидаги

композицияларнинг хоссаларини яхшилашнинг асосий йўналиши боғловчи ва тўлдирувчини модификация қилиш эканлиги аниқланган.

Тахлиллар натижасида ҳозирги вақтда ускуналарни агрессив муҳит таъсиридан химояловчи мавжуд суёқ шиша асосидаги коррозияга қарши қопламалар четдан келтирилиши ва анча қиммат туриши аниқланган.

Мавжуд ўтказилган тажрибаларни танқидий тахлил қилиш асосида кўшимчалар билан модификация қилинган порфирит асосидаги композицияни ишлаб чиқиш ва ачитки ва гидролиз ишлаб чиқаришидаги тўйинтирувчи тузли агрессив муҳитида қўллаш истиқболли эканлиги хулоса қилинган, бу эса маҳаллий хомашёлар ва ишлаб чиқариш чиқиндиларини композицион коррозиябардош материаллар ишлаб чиқаришга қаратилган ҳолда ўрганиб чиқишни талаб этади. Шунинг учун мазкур диссертация иши ушбу вазибаларни, шу билан бирга, кимё саноати ускуналарини химоялаш учун антикоррозион композицион қопламаларнинг самарали таркиблари ва олиш технологиясини ишлаб чиқиш ечишга бағишланган.

Диссертациянинг **«Коррозияга қарши композицион материал ва улардан қопламаларни олиш технологиясини ишлаб чиқиш бўйича объектларни ва тадқиқот усулларини танлаш ва асослаш»** деб номланган иккинчи бобида объектларни танлаш ва асослаш шакллантирилган бўлиб, унинг асосида маҳаллий ва иккиламчи хомашёлар асосидаги коррозиябардош композицион материалларини олиш усули ишлаб чиқилган. кимё саноати ускуналарини химоялашда қўлланиладиган маҳаллий хомашё ва ишлаб чиқариш чиқиндиларидан органик-неорганик ингредиентлар асосидаги композицион суёқ шишали қопламаларни олиш усули ҳамда ингредиентларнинг физик-кимёвий, физик-механик ва технологик хоссаларини аниқлаш усуллари келтирилган.

Маҳаллий органик-неорганик ингредиентларни суёқ шиша асосидаги коррозиябардош композицион материалларни ишлаб чиқишда қўллаш мумкинлигининг тахлили ва асосномаси ҳамда олинган натижаларни математик ва статистик қайта ишлаш усули берилган.

Диссертациянинг **«Турли агрессив муҳитда ишлайдиган антикоррозион композицион материалларни тадқиқ этиш ва ишлаб чиқиш»** деб номланган учинчи бобида, ишлаб чиқиладиган коррозиябардош композицион материалнинг мақбул таркибини органик-неорганик ингредиентларнинг тури, таркиби, структураси, нисбати ва миқдорига аниқлаш бўйича ўтказилган тадқиқотларнинг натижалари тахлил этилган, бир-бирига боғлиқ бўлмаган мураккаб мустақил тадқиқот усуллари ёрдамида агрессив муҳитда суёқ шиша асосидаги силикат композицияни қотишининг физик-механик, физик-кимёвий ва технологик жараёнлари тадқиқ этилган. Сингдирмайдиган антикоррозион композицияларни ишлаб чиқишда натрий кремнефториди қотишни тезлаштирувчи сифатида қўлланилиб, унинг миқдори натрий кремнийфторидининг суёқ шишага стехиометрик нисбати билан аниқланган. Тадқиқот натижалари (1-жадвал) натрий кремнефторидининг суёқ шишага стехиометрик нисбатининг мақбул миқдори 18% эканлигини кўрсатди, бу кўрсаткични суёқ шишанинг

кремнезем модули ва унинг концентрациясига боғлиқ бўлган силикат композицияларнинг қотиш реакцияси тенгламасинага мувофиқ ҳисоблаб чиқилган натрий кремнийфторидининг миқдори ҳам тасдиқлади.

1-жадвал

**Порфиритли композициянинг  $\text{Na}_2\text{SiF}_6$  миқдорига боғлиқ ҳолда барқарорлик коэффициенти кўрсаткичи**

Сақлаш муддати, соат	Мустаҳкамлиги ( $R_{сж}$ , МПа) ва КС (барқарорлик коэффициенти)										
	Ҳавода	Сувда		Ачитқи ишлаб чиқаришнинг тўйинтирувчи тузларида		Сульфит целлюлозасининг агрессив муҳитида, асослари				Гидролиз ишлаб чиқариш эритмаларида	
		$R_{сж}$	$R_{сж}$	КС	$R_{сж}$	КС	$R_{сж}$	КС	$R_{сж}$	КС	$R_{сж}$
12% $\text{Na}_2\text{SiF}_6$											
240	19,0	14,0	0,74	15,1	1,08	10,8	0,77	9,8	0,70	14,3	1,02
480	20,1	14,1	0,70	15,3	1,09	11,1	0,78	10,1	0,71	14,7	1,04
720	23,3	15,8	0,60	15,6	0,99	11,9	0,75	11,4	0,72	15,2	0,96
15% $\text{Na}_2\text{SiF}_6$											
240	18,5	13,1	0,71	14,6	1,11	10,5	0,80	9,2	0,70	14,8	1,12
480	19,3	13,4	0,69	14,5	1,08	10,9	0,81	9,7	0,72	14,6	1,09
720	21,2	14,4	0,67	14,8	1,03	11,8	0,82	10,8	0,75	14,3	0,99
18% $\text{Na}_2\text{SiF}_6$											
240	18,1	12,9	0,71	16,2	1,26	11,1	0,86	10,3	0,8	12,8	0,99
480	19,9	14,4	0,72	16,3	1,13	12,7	0,88	11,9	0,83	14,7	1,02
720	22,4	15,9	0,71	16,5	1,04	14,4	0,91	13,3	0,84	19,1	1,20

Ишлаб чиқилган мақбул таркиб қуйидаги ингредиентлардан иборат (%): порфирит- 62,73; натрий кремнийфториди – 4,36; суюқ шиша – 32,91

Тажриба натижалари сульфитцеллюлоза, ачитқи ишлаб чиқаришнинг тўйинтирувчи тузлари ва гидролиз ишлаб чиқаришнинг агрессив муҳитларида қўллаш учун порфирит асосида кислотабардош антикоррозион композиция олиш мумкинлигини кўрсатди.

Намуналарнинг кимёвий барқарорлиги ва абсолют механик мустаҳкамлиги бўйича энг мақбул кўрсаткичларга натрий кремнийфторидининг стехиометрик миқдорида эришилган, порфиритли композициянинг кимёвий барқарорлигини айниқса кейинги қотиш муддатларида ўсиши кузатилган. Бу ҳолат эрувчан шишанинг  $\text{Na}_2\text{SiF}_6$  билан ўзаро таъсири натижасида кремний кислотасининг гели ажралиб чиқиб, у яхши цементловчи модда ҳисобланиб, композицион материалларда зич структура ва юқори мустаҳкамликни таъминлаб бериши билан изоҳланади.


Сувга чидамлилиги сезиларли пасайган бўлиб, бу ҳолат суюқ шиша асосидаги боғловчи моддалар учун умумий камчиликдир ва у намуналардаги тузларнинг парчаланиши ва ювилиши натижасида эритмага ўтиши билан изоҳланади. Сувга чидамлилик суюқ шишанинг гидролитик парчаланиши натижасида ишқорий боғланиш даражаси билан аниқланади, унинг миқдори киритилган  $\text{Na}_2\text{SiF}_6$  миқдорига боғлиқ. Унинг миқдори етарли бўлмаса сувга

чидамлилиқ камаяди, чунки бу ҳолда суюқ шишанинг кўпроқ миқдордаги ишқори бирикмай қолади. Кислотага чидамли материалларнинг зичлиги ва мустаҳкамлигини ўта майдаланган кремнеземли қўшимчалар ажралиб чиқаётган ишқорни боғлаб туриши билан оширади.

Шу муносабат билан, порфиритли композициянинг сувга чидамлилигини ошириш ва ишқорий силикатларни ювиб керилишини камайтириш мақсадида унинг таркибига кислотага чидамли материаллар учун ноанъанавий бўлган материалнинг капиллярларида тикилиб қолган қўшимча кремний кислотали гел ҳосил қиладиган, агрессив муҳитда материалнинг юза қатламида осон эрийдиган табиий волластонит қўшдик, бу эса суюқ шишанинг модулини оширади вақотган суюқ шиша композициясининг техник кўрсаткичлари ва боғловчи хусусиятига ижобий таъсир кўрсатади.

Аралашмага 25,15, 12,5 и 10 % миқдорда волластонит ва порфирит қўшиб туриб унинг оптимал таркибини танладик (1-расм). Механик мустаҳкамлик ва кимёвий барқарорликнинг кўрсаткичлари орқали волластонитнинг мақбул миқдори 12,5% эканлиги аниқланди.

1-расмдан кўриниб турибдики, волластонитни киритилиши натижасида ҳавода қотганда механик мустаҳкамликни ошиши кузатилади. Сувга чидамлилиги 12,5% волластонитт киритилганда меъёрий бўлган 0,8 кўрсаткичдан юқори. Волластонитни киритиш билан суритманинг (замазка) сувга чидамлилиги ортиб бориши, иккиламчи реакция маҳсулотлари билан биргаликда металлларнинг коррозияга қарши чидамлилигини оширадиган силикат кислотасининг гели шаклланиши билан материалнинг сирт қатламида муҳитнинг таъсири остида волластонитнинг ингибирловчи хусусияти туфайли ишқорий силикатларнинг оқшининг камайиши билан тушунтирилади. Волластонит қўшилиши билан юзада пленка ҳосил бўлади ва агрессив муҳитнинг материалнинг ичига кириб бориш тезлигини камайтиради.



Намуналарни сақланиш муҳити: 1-сувда; 2-ҳавода; 3- ачитки ишлаб чиқаришнинг тўйинтирувчи тузларида; 4- аммоний асосли сульфит целлюлозасининг агрессив муҳитида; 5- натрий тузли сульфит целлюлозасининг агрессив муҳитида; 6- гидролиз ишлаб чиқариш эритмаларида.

**1-расм. Порфиритли композициянинг мустаҳкамлигининг волластонит миқдорига боғлиқлиги, қотиш муддати: а)-240 соат; б)-480 соат; в)-720 соат**

Волластонит-порфирит ва натрийли суяқ шиша системасидаги ўзаро таъсирларни ўрганиш суяқ фазани кимёвий таҳлил қилиш ва қаттиқ фазани петрографик таҳлил қилиш орқали амалга оширилди. Кўриб чиқиладиган муҳитда волластонитнинг гидратланиш даражаси аҳамиясиз, лекин кальций гидросиликатлари ҳосил бўлиши учун етарли эканлиги аниқланди. Тажриба маълумотлари шуни кўрсатадики, дастлабки ўзаро таъсир даврида силикат ионлари волластонит сиртидаги натрий суяқ шиша эритмасидан чўктирилади. Шу билан бирга ишқор таъсирида волластонит емирилади ва адсорбцион қатлам вақт ўтиши билан кальций билан тобора бойиб боради. Кальций ионлари янги ҳосил бўлган полисиликатлар билан ўзаро боғланиб кам эрийдиган гидросиликатлар ҳосил қилади. Янги қийин эрийдиганлар силикат композициянинг сувга чидамлилигини оширади, волластонитнинг кам миқдордаги гидратланиш даражаси эса силикат композицияда талаб қилинган зичлик ва мустаҳкамликни таъминлайди.

Олинган натижаларга асосан, волластонитни киритилиши ҳаводаги механик мустаҳкамликни сезиларли даражада оширади. Кислотобардош композицияларнинг қотиш жараёнида секин кристал ҳолатга ўтадиган ортокремний кислотасининг гели ажралиб чиқади ва тўлдирувчининг заррачаларини цементлайди.




Материалнинг юзасида зич пленканинг ҳосил бўлиши ҳисобига углекислотанинг унинг ичига диффузияси секинлашиши содир бўлиб, бу реакция кечиши секинлашади. Порфиритли композициянинг ҳаводаги механик мустаҳкамлиги 18 дан 22,3 МПага ташкил этса, волластонит киритилгандан сўнг унинг кўрсаткичи 26,7-33,2 МПагача ортади.

Кўрииб турибдики, волластонит миқдорини 10% гача камайтирсак, қопламанинг механик мустаҳкамлиги ва сувга чидамлилигини пасайиши кузатилди.

Шундай қилиб, ингредиентларнинг қуйидаги нисбатида мақбул волластонитли таркибга эаг бўлди (миқдори, %): порфирит – 55,84; волластонит – 10,98;  $\text{Na}_2\text{SiF}_6$  – 3,88; суяқ шиша – 29,6.


Юқорида келтирилган агрессив муҳитларда хомашё компонентларининг майдалилик даражасини суяқ шиша асосидаги композициянинг кимёвий барқарорлигига таъсирини ўрганиш бўйича қатор тажрибалар ўтказилди. Бунинг уун порфирит ва волластонитни алоҳида шарли тегирмонда 10000 теш/см<sup>2</sup> элакдан ўтгунча майдаладик.

2 ва 3 расмларни таққослаш натижасида шуни таъкидлаш мумкинки, хомашё компонентларининг майдалилик даражасини ошириш уларнинг механик мустаҳкамлиги ва сувга бардошлилигини пасайтиради. Майдалашнинг минимал даражасида компонентларнинг активлиги ошади, бунда замаканинг юқори кимёвий барқарорлигига эришилади, кейинчалик майдалаш даражасининг ортиши ишқорий силикатнинг кремнийфторид билан реакцияга киришидан ҳосил бўладиган  $\text{Si}(\text{OH})_4$  нинг тўлдирувчи доналарининг бирикиши учун етарли бўлмайди ва коррозияга чидамлик пасаяди.



Намуналарни сақланиш мухити: 1-сувда; 2-ҳавода; 3- ачитки ишлаб чиқаришнинг тўйинтирувчи тузларида; 4- аммоний асосли сульфит целлюлозасининг агрессив мухитида; 5- натрий тузли сульфит целлюлозасининг агрессив мухитида; 6- гидролиз ишлаб чиқариш эритмаларида.

## 2-расм. Майдалилик даражасини композициянинг мустақамлиги (а) ва барқарорлик коэффицентига (б) боғлиқлиги



Намуналарни сақланиш мухити: 1-сувда; 2-ҳавода; 3- ачитки ишлаб чиқаришнинг тўйинтирувчи тузларида; 4- аммоний асосли сульфит целлюлозасининг агрессив мухитида; 5- натрий тузли сульфит целлюлозасининг агрессив мухитида; 6- гидролиз ишлаб чиқариш эритмаларида.

## 3-расм. Мақбул таркибли порфирит-волластонитли композициянинг мустақамлик кўрсаткичи (а) ва барқарорлик коэффицентига (б)

Майда қилиб янчилган порфирит маълум даражада кимёвий фаолдир. Эрувчан шиша гидролиз шароитида NaOH ажралиб чиқади, у майда қилиб янчилган порфирит тўлдирувчиси порфирит заррачалари юзасини коррозиялайди ва юшатиб реакцияга киришади.

Бунда порфирит юзасининг бир қисми аморфланади ва ишқорий силикат билан реакцияга киришиб гелсимон SiO<sub>2</sub> ҳосил бўлади. Шу билан бирга тўлдирувчи зарраларини монолит, юқори қувватли, сувга чидамли тузилишга эга юқори даражада цементлаш учун энг яхши шароит яратади.


Порфирит ва порфирит-волластонит таркибларининг технологик хоссаларини ўрганиш шуни кўрсатдики, волластонитни киритиш намуналарни қотишининг барча шароитларида сув сўрилишини камайтиради ва (%да): ҳавода – 8,1; нам ҳавода — 5,7; сувда – 4,4 ни ташкил этади.

Керосиннинг сўрилиши мос равишда: 12; 8,0; 8,3 га тенг. Ҳаводаги чўзилишдаги мустақамлик чегараси 2,54 МПа; агрессив мухитда 2,7 МПа.

Керамикага ёпишиш 2,1 МПа; металл билан 2,4 МПа. Волластонитни киритилиши қопламанинг структурасини зичлаштиради, сувнинг ютилиши сезиларли камаяди ва бу сувга бардошлилигини ортишида ижобий ахамиятга эга бўлади. Ғоваклилиги ҳам камаяди. Ғоваклилилик кўрсаткичининг пасайиши кимёвий ускуналар учун сифатли қопламалар олишга имкон бериб, уларнинг узоқ муддатли ишлашини таъминлаб беради.

Керосиннинг сўрилиши мос равишда: 11,9; 8,0; 8,1 га тенг. Ҳаводаги чўзилишдаги мустаҳкамлик чегараси 2,56 МПа; агрессив муҳитда 2,8 МПа. Агрессив муҳитда керамикага ёпишиш 1,9 МПа; металл билан 2,1 МПа ни ташкил этади.

Волластонит 50-55% волластонит ва 23-25% кальцит ( $\text{CaCO}_3$ ) дан иборат бўлганлиги учун кальций гидрооксидларнинг ҳосил бўлиш реакцияси албатта кальций карбонатнинг гидролизини ўз ичига олади, натижада  $\text{Ca(OH)}_2$  пайдо бўлиб, гель билан кремний кислотаси ва гидросиликатлар ҳосил қилади:



Маълумки, суяқ шишанинг ишқорий ер металл гидроксидлари орасидаги реакция дарҳол катта ҳажмда коллоид чўкмасини ҳосил бўлиши билан тез кечади:



$\text{Ca(OH)}_2$  нинг суяқ шиша билан реакциясининг характери унинг концентрацияси ва модулига боғлиқ эмас.


Синдириш кўрсаткичининг ўзгаришига қараганда, кальций гидроксид суяқ шиша билан ўзаро таъсирлашганда бир неча соатдан кейин кенглиги 10 мкм гача бўлган ингичка, оқиш, булутли зона ҳосил бўлади ва у 1,410-1,430 оралиғида  $N_{\text{ср}}$  билан кремний кислотадан иборат. У суяқ шиша ва кальций гидроксид эритмаларини ажратади.

Шундай қилиб, суяқ шишанинг сувсизланиши билан бир вақтда  $\text{Ca(OH)}_2$  гидролизи тезлашиб, эҳтимол ишқор иштирокида, натижада гелнинг тушиб кетиши кузатилади. Шу билан бирга суяқ шиша дастлаб  $\text{Ca(OH)}_2$ га ёпишади. Шихтани аралаштиришда суяқ шиша билан  $\text{Ca(OH)}_2$  заррачаларининг контакт юзаси ортиши ва шу сабабли суяқ шишанинг сувсизланиши тезлашиши туфайли  $\text{SiO}_2$ -гелининг тез ҳосил бўлиши рўй беради.

Ачитқи ишлаб чиқаришнинг тўйинтирувчи тузли муҳитида порфиритли ва порфирит-волластонитли композициянинг механик мустаҳкамлиги ва кимёвий барқарорлиги бўйича олинган маълумотлар композиция фазавий таркиби ва микроструктураини физик-кимёвий усуллардан комплекс фойдаланган ҳолда тадқиқ этишда олинган кўрсаткичларга мос келади.

Ҳавода қотадиган порфиритли кислотабардош қопламанинг рентгенограммасида (4-расм, а) кварц ( $d = 0,413; 0,332; 0,194$  нм); альбит ( $d = 0,379; 0,322; 0,255$  нм); биотит ( $d = 0,265; 0,229$  нм), кальцит ( $d = 0,21; 0,30$  нм) чизиқлари кўринади. Улар билан бирга,  $\text{Na}_2\text{CO}_3$  ( $d = 0,253$  нм) ва  $\text{Na}_2\text{SiF}_6$  ( $d = 0,334; 0,177$  нм) кристаллари учун хос бўлган чизиқлар мавжуд. Гидратланиш вақти ортиши билан порфирит таркибига кирувчи бу бирикмаларнинг интенсивлиги бирмунча камаяди.  $\text{Na}_2\text{CO}_3$  га хос пайдо бўлган

чизиклар  $\text{Na}_2\text{SiF}_6$  билан реакцияга киришмаган натрий силикат ишқорининг хаво  $\text{CO}_2$  билан ўзаро реакция киришини кўрсатади:



**4-расм. Порфиритли (1) ва порфирит-волластонитли (2) композициянинг диффрактограммаси, қотиш муҳити: А – хавода; В – тўйинтирувчи тузлар муҳитида (□-кварц, ○-альбит, △-кальцит, ▲- $\text{Na}_2\text{SiF}_6$ , ►- $\text{Na}_2\text{CO}_3$ , ■- $\text{CaF}_2$ , ●- $\text{NaF}$ , \*-волластонит, ◇-биотит)**

Материал устида қопламанинг атмосферага бўлган мустаҳкамлигини оширувчи зич пленка ҳосил бўлиши  $\text{CO}_2$ нинг материал ичига диффузияланишини камайтиради, натижада бу реакция секин боради.

Ушбу реакция натижасида композициянинг хаводаги мустаҳкамлиги унинг юзасида қалин пленка ҳосил бўлиши ҳисобига ортади.

$\text{Na}_2\text{SiF}_6$ га текишли чизиклар кўринади,  $\text{NaF}$  эса кўринмайди, бу эса  $\text{Na}_2\text{SiF}_6$  билан суюқ шиша орасида реакциянинг тўлиқ бормаслигидан далолат беради.

Тўйинтирилган тузлар муҳитида қотган порфиритли композициянинг диффрактограммаси (4-расм, 1 в) шуни кўрсатдики, альбит ва биотитга тегишли бўлган юзалараро масофаларнинг интенсивлиги деярли паст, чизиклар ёйилган. 720 соат таъсир қилиш орқали ёйилиш кучли намоён бўлади. Диффрактограммаларда вилломитга  $\text{NaF}$  ( $d = 0,232; 0,166$  нм) тегишли чизикларини кўриш мумкин, унинг интенсивлиги гидратланиш давомийлиги билан камаяди, бу натрий кремнийфторид ва суюқ шиша орасида  $\text{NaF}$  ва силикат кислота гели ҳосил бўлиши билан тўлиқ реакцияни кўрсатади. Тўйинтирилган тузлар муҳитидаги намуналарни гидратлаш давомийлиги билан рентгенограммаларда флюорит  $\text{CaF}_2$  ( $d = 0,193; 0,165$  нм) кристаллари аниқ кўринади. Кремний кислотаси гели ва флюоритнинг кристалл фазалари ҳосил бўлиши туфайли порфирит қопламасининг кимёвий барқарорлиги ортади ва бу механик кўрсаткичлар билан тасдиқланади.

Ҳавода қотган модификацияланган порфиритли композициянинг диффрактограммаси (4-расм, 2а) шуни кўрсатдики, асосий қотган масса 720

соатда гидратланади. Сўнгра жараён кескин пасаяди, бу эса натрий ионларининг кальций ионлари учун изоморф алмашиши туфайли ҳосил бўлган  $\text{CaF}_2$  ( $d = 0,193$  нм) ва оз миқдордаги  $\text{CaSiF}_6$  ( $d = 0,175$  нм) ҳосил қилган гидратация маҳсулотлари чизиқларининг интенсивлигидан далолат беради.

Волластонит чизиқлари оз миқдорда ( $d = 0,340$  нм) кўринаган. Тўйинтирувчи тузли муҳитида волластонит билан модификацияланган порфиритли қопламанинг дифрактограммасида флюорит кристалларига тегишли  $\text{CaF}_2$  ( $d = 0,193; 0,314$  нм) ва  $\text{CaSiF}_6$  ( $d = 0,175$  нм) чизиқларининг мавжуд эканлигини кўриш мумкин.. Силикат кальцийдаги интенсивлиги жиҳатидан паст бўлган сақланиб қолган чизиқлари билан бир қаторда, кальций таркибли бирикмаларнинг кучли чизиқларига тегишли заиф чизиқлар ҳам мавжуд. Бу маълумотлар кальций силикатларининг гидролиз жараёни кечишини ва нафақат гидросиликатлар, балки паст асосли сувсиз силикатлари ҳосил бўлишини кўрсатади.

Кислотага чидамли порфирит композициясини модификациялаш кремний кислотаси гелининг қўшимча миқдорининг ортиши ҳисобига унинг мустаҳкамлиги ва кимёвий барқарорлигини ҳамда структура тартиблилик, бир текислик, майдадисперс ҳолатини берадиган фторкальцийли бирикмани ҳосил бўлишини таъминлайди.

Порфирит композициясида пайдо бўлган янги бирикмалар юқори дисперс ҳолатида бўлади. Натрий силикати ва натрий кремнефторти ўртасидаги ўзаро таъсирнинг маҳсулоти сифатида  $\text{NaF}$  ва кремний кислотасининг гелин эътороф этиш мумкин:




Шундай қилиб, порфирит ва порфирит-волластонитли композицияларининг фазавий таркибини ўрганиш шуни кўрсатдики, гидрация жараёни сиртда кечиб, қаттиқлашиш жараёни кальций фторидли бирикмалар, кальций таркибли силикатлар ҳамда пленка шаклидаги кремний кислотаси гелининг пайдо бўлиши туфайли содир бўлади, бу агрессив воситаларнинг қопламага чуқур кириб боришига тўсқинлик қилади.

240 соат давомида ҳавода қотган порфиритли композициянинг дериватограммасида  $150-180^\circ\text{C}$  да эндоэффектларнинг бирмунча ёйилганлиги кузатилади. Бу эффект 720 соатда  $150-160^\circ\text{C}$  га ўтади ва аниқроқ ифодаланади. Тўйинтирувчи муҳитларда бу эндоэффектларни ёйилган.

Волластонитнинг киритилиши волластонит суяқ шишани коагуляция қилиши натижасида аморф чўкмалар ажралиб чиқиши эндоэффектни чуқурлаштиради. Порфирит-волластонит намуналарининг ҳавода, тўйинтирувчи тузлар эритмасида сақланган намуналарда кремний кислота гелининг сувсизланишига мос  $150-200^\circ\text{C}$  ҳароратда катта эндоэффект мавжуд.


Порфирит –волластонитли композициянинг тўйинтирувчи тузлар муҳитида 240 соат давомида қотган намуналарнинг электрон-микроскоп тасвирида (5-расм) кристалланаётган шиша фонида кристалл бирикмалар орасидаги бўшлиқни тўлдирадиган кўп миқдордаги гелсимон масса мавжудлигини кўриш мумкин.

720 соатга келиб гелга ўхшаш массада турли шакллардаги кристалл бирикмалар мавжуд бўлиб, улар қопламани юқори кимёвий барқарорликка эришишига имкон беради. Волластонитнинг киритилиши катта миқдордаги гел массасининг шаклланишини янада тезлаштиради ва композициянинг мустахкамлигини оширади.



